



Темурмалик... Бу кимдир? Билурмисиз?.. Бу бир бекбошидир, бир турк кўмондонидир.

Йил 616 хижрия эди. Чингизхон кўшинлари Коракумдан кечиб, тўфон сели каби Туркистонни босмоқда ва ёкмоқда эди. Буларга кўра жуда оз бўлган турк фиркалари уларга карши тура олмай, ё баходирона талаф бўлмоқда ёки чор-ночор ортга кетмоқда эди. Мўгул кўшинлари икки кўл бўлиб, бири Хоразм, бошкаси Самарканд устига келмоқда эди. Бу иккинчи кўл кўшиннинг Олок Нўён ила Субутўй Буга бошчилигидаги фиркалари Сирдарё нахри бўйидаги Хўжанд калъасига келиб, таслим талаб этдилар. Калъа беги Темурмалик эди. Душманга рад жавоби берди. Олтмиш минг мўгул шаҳарни камалга олди ва Темурмалик кўлида бўлган беш минг турк аскар билан мудофаага тутинди. Хўжанднинг уч тарафи сув билан ўралган, шу сабабли душманнинг бир кисми шаҳарнинг калъасига якин келган холда калъани карши тарафида бўлишга мажбур эди. Темурмалик аскарнинг зиёдасини калъа мухофазасига таъйин қилиб, жузъий аскар билан сув устидан душманга хужум уюштирди... Бу хужум билан беш-олти юз баходирни кирк-эллик минглик душман кўшинига карши кўйди!

Замонлар ўк ва қилич замони эди. Темурмалик йигирмата катта қайик ясашиб, қайикларнинг четларини балчикка буланган кигизлардан инсон бўйи қадар тўсиклар қилдирди. Ушбу кигизларда тухум сизгудек тешиқлар қолдирган эди. Хар бир қайикка йигирма-ўттиз ўкчи миндириб, нахрнинг душман бўлган қиргогига якин келиб, кигиз тешиқларидан ўк ёғдирар ва душманни сув четидан қочирар, сол ё кўприк қурилишига имкон бермас эди. Душман ўқдари кигиздан ўтмас ва ўтган холида ҳам турк баходирларига зиён етказмас эди.

Шу тартибда шаҳарнинг уч тарафини оз аскар билан жиддий суратда мудофаа қилиб, қолган кисми билан шаҳарнинг тупрок ва калъа жихатини мухофаза қилар эди. Бу тадбирлар билан анча вақт олтмиш минг мўгулни олдинга қадам бостирмади. Сув тарафидан шаҳарни олиш мумкин эмаслигини англаган мўгуллар бор қувватларини калъа тарафига ташладилар. Турк диловарларининг ўк ва қиличидан хар қанча қирилсалар-да, битмас-туганмас бўлганларидан, Хўжанднинг холи тобора огирлашмоқда эди. Охири турк аскар шундай қадар кам қолдики, бошқа қаршилиқ қилишга холи қолмади... Таслим қунлари яқинлашди. Лекин Темурмалик таслим бўладиган баходирлардан эмас эди. Жаҳонгир айтганидек, «Агар Рустам соғ бўлса эди, шогирди бўлар эди».

Калъанинг таслим вақти келганда, Темурмалик юкорида баён қилинган усулда етмиш қадар кигизли қайиклар хозирлаб, қолган аскар ва лозим ашёсини буларга юклаб,

Сирдарё бўйлаб чекина бошлади. Бу чекиниш тарихи харбда мисли кўрилмаган бир чекинишдир. Сувнинг икки тарафидан мингларча душман от кўйиб, ёмгир каби ўк ёгдирганлари холда буларнинг юздан бирича ҳам бўлмаган турк диловарлари кигиз сипарлар оркасидан уларга каршилиқ кўрсатганча, сув оркали саломат чекинмоқда эдилар. Нихоят, муносиб бир махалда киргокка чикиб, Темурмалик карши келган душман фиркасини енгиб, соғ колган оркадошлари билан Хоразмга саломат келмишдир. Ўн минг юнон аскарининг ниҳоясиз Эрон кўшинларининг каршисида харбан чекинишлари Марвон йўли тарихида машхурдир. Бир ховуч ва хужумда беш-олти юзигина бўлган туркларнинг бу чекиниши янада машхур тутилмоғи лозимдур.

«Таржимон» г., 1906 й., 146-сон
Исмоил Гаспринский